**ШАРТНОМА № 2022/69**
*(Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш)*

Тошкент ш. "30" мая 2022 йил

**Тошкент вилояти АЙББ** (кейинги ўринларда Буюртмачи) номидан Устав асосида иш юритувчи рахбари Ж.К..Бекмурзаев бир томондан ва **"MODERN ROAD PROJECT" МЧЖ** (кейинги ўринларда Бажарувчи) номидан Устав асосида иш юритувчи рахбари **М. Эргашев** иккинчи томондан, бюджет маблағлари ҳисобидан **4Н712 д "А-373 автомобил йулидан Тут кишлогига шахобча" автомобиль йўлининг 0-5 км қисмларини жорий таъмирлаш лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертиза хулосасини олиб бериш** (кейинчалик-объект) ишларини бажаришга доир амалдаги Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги "Давлат харидлари тўғрисидаги"ги 684-сонли қонунига асосан xarid.uzex.uz махсус ахборот портали орқали **(Лот рақами 85794)** эълон қилинган ва "Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюрмачи хизмати" ДУК харид комиссиясининг 2022 йил 26 майдаги баённомасига асосан қуйидаги шартномани тузди́лар:

**Шартнома предмети ва муддати.**

1.1. Бажарувчи **4Н712 д "А-373 автомобил йулидан Тут кишлогига шахобча" автомобиль йўлининг 0-5 км қисмларини жорий таъмирлаш лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертиза хулосасини олиб бериш** (кейинчалик-объект) бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини, Буюртмачи эса уни қабул қилиб олиш мажбуриятини олади.

1.2. Бажарувчи лойиҳа-смета хужжатлари ишларини Ўзбекистон Республикасида белгиланган ҳуқуқ ва қонун талабларига асосан амалга оширилади.

1.3. Бажарувчи шартнома бўйича лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқади, шу жумладан учинчи шахсни ёллаган холда белгиланган тартибда лойиҳа-смета хужжатларини давлат экспертизасидан ўтказади.

1.4. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачи томонидан тақдим этилган бирламчи маълумотлар асосида шартнома ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Республика Ғазначилигида рўйхатдан ўтган кундан бошлаб шартноманинг 2-иловаси "Бажариш ва молиялаштириш жадвали"да белгиланган муддатларда бажаради.

1.5. Бажарувчи лойиҳа-смета хужжатлари ишлари бўйича давлат ва зарур бўлганда бошқа тегишли экспертиза хулосасини олгандан сўнг 10 кун мобайнида 3 (уч) нусхада мазкур лойиҳа ва қидирув ишлари хужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

1.6. Иш жараёнида келишилган асосий лойиҳавий ечимларни буюртмачига топширилади.

1.7. Ишлар паралел равишда амалга оширилади ҳамда лойиҳа ишлари босқичма-босқич бажарилади ва топширилади.

**2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қоидалари.**

2.1. Шартноманинг баҳоси шартнома тарафларининг келишуви (1-илова)га асосан **ҚҚС билан 28 500 000 (йигирма саккиз миллион беш юз минг)** сўмни ташкил этади ва мазкур шартноманинг 2-иловасидаги "Бажариш ва молиялаштириш жадвали"га мувофиқ бажарилади.

2.2. Буюртмачи шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика Ғазначилигида рўйхатдан ўтгандан сўнг 5 кун мобайнида шартнома баҳосининг **30 фоиз** миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ, Бажарувчи лойиҳа-смета хужжатлари ишлари давлат ва зарур бўлганда бошқа тегишли экспертизаси хулосасини олиб, Буюртмачига тақдим этгандан сўнг, топшириш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилиб, 15 кун мобайнида дастлаб тўланган аванс маблағи (шартнома баҳосининг 30 фоизи миқдорида) ушлаб қолиниб молиялаштирилади.

2.4. Шартноманинг баҳоси узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

Дастлабки ҳисобланган смета ҳужжатларига экспертиза хулосаси олингандан сўнг, лойиҳа-смета ҳужжатлари баҳоси (маҳаллий бюджетдан молиялаштирилганда Тошкент вилояти туман хокимиятлари молия бошқармалари) томонидан тасдиқланган манзилли рўйхатга асосан Буюртмачи ва Бажарувчи розилиги билан заруратга кўра ушбу шартномага қўшимча келишув имзоланади.

**3. Томонлар мажбуриятлари.**

3.1. Буюртмачи барча ишлар бажарилиб бўлингандан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини Бажарувчи тўлаши ёки ишларининг айрим босқичлари тугатилганидан кейин нархнинг тегишли кисмини тўлаши, тайёрланган лойиҳа-смета хужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи

шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даво юзасидан ишда қатнашишига Бажарувчини жалб қилиши шарт.

3.2. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган бирламчи маълумотларни (нуқсонлар қайдномаси ёки ижро ҳужжатлари, пудрат ташкилотининг ўртача иш ҳақи, ишлатилган машиналар, механизмлар ва техник кўрсаткичларга эга транспорт воситалари, ишлатилган машиналар, механизмлар ва транспорт воситаларининг ишлаш харажатлари кўрсаткичлари, пудратчининг бошқа харажатлари, лойиҳа-смета ҳужжатларининг белгиланган ҳужжатларидаги бошқа харажатлари.

Тегишли идоралар ва ташкилотлар билан келишилган холда) тақдим қилади.

3.3. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бирламчи маълумотларни 10 (ўн) иш куни мобойнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қилишни ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бирламчи малумотларда аниқланган камчиликларни, 10 (ўн) иш куни муддат ичида Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул қилинган деб хисобланади ва бундай холат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

3.4. Бажарувчи лойиҳа-смета ишларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета хужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Агар лойиҳа-смета хужжатлари ёрдамчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган бўлса камчиликлар аниқланган тақдирда ёрдамчи ташкилот ишлаб чиқилган лойиҳа-смета хужжатлари учун тўлиқ жавоб беради ва Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета хужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча ишларни бажариши шарт.

3.5. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ўз вақтида ўтказилмаган холда ёки дастлабки маълумотларни тақдим қилиш кечиктирилганда ишларни туғаллаш муддати тўлов ёхуд тақдим кечиктирилган вақтга қадар узайтирилади.

3.6. Лойиҳанинг асосий ечимларини буюртмачи билан биргаликда тегишли идоралар ва ташкилотлар билан келишилади.

**4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби.**

4.1. Лойиҳа-смета хужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси билан лойиҳалаш учун топшириқда кўзда тутилган ҳужжатлар тўпламини топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 4.1-бандида кўрсатилган ҳисобот ҳужжатларини олгандан сўнг 10 (ўн) кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар лойиҳа-смета хужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда томонлар холис экспертларга лойиҳа-смета хужжатлари бўйича хулоса учун мурожат қилиши мумкин.

**5. Конфиденциал маълумотларни ҳимоялаш.**

5.1. Лойиҳа-смета хужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

**6. Низоларни хал этиш.**

6.1. Шартнома амал қилиш давомида юзага келадиган низоларни тарафлар ўзаро музокара йўли билан хал этади. Музокара натижасида келишувга келинмаган тақдирда низолар тарафлар томонидан Тошкент туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси бериш ва ишни судда кўриб чиқилиши натижасида ҳал қилинади.

**7. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш.**

7.1. Мазкур шартномага қўшимча битим кўринишидаги ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда қилинган ҳамда томонлар (ёки томонлар номидан вакиллар) имзолаган ҳолдагина Ғазначиликда рўйхатдан ўтказилганидан кейин юридик кучга эга бўлади.

7.2. Шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин. Шартнома ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишуви ёзма шаклда амалга оширилади. Шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки шартноманинг шартларини бир тарафлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

7.3. Бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

## 8. Форс-мажор.

8.1. Форс-мажор вазиятлари пайдо бўлиши муносабати билан мазкур шартномадаги томонлар мажбуриятлари бутунлай бажарилмаса ёки қисман бажарилса, мажбуриятларни бажариш муддатлари бундай вазиятлар таъсир этиши вақтига мутаносиб равишда узайтирилади.

## 9. Қўшимча шартлар.

9.1. Бажарувчи Лойиҳа-смета хужжатлари ишларини муддатидан олдин бажарганида, Буюртмачи уни Шартноманинг 4-бандига асосан қабул қилади ва тўла тўловни амалга оширади.

9.2. Бажарувчи Шартнома шартларини бажариш учун, Шартномада белгиланган муддатларга риоя қилинишини инобатга олган ҳолда ҳамда Буюртмачи билан келишилган холда, ёрдамчи ташкилотларни жалб қилиши мумкин.

9.3. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширилганда шартлашилган хақи кечиктирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

9.4. Бажарувчи томонидан лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса, Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

9.5. Тўланган пеня тарафларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

9.6. Шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди ва ҳар иккала нусхаси ҳам бир хил юридик кучга эга бўлади.

9.7. Шартнома 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

9.8. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

1-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;

2-илова - Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқишни бажариш ва молиялаштириш жадвали.

3-илова - Манзилли рўйхат.

## 10. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари

**"Буюртмачи"**

**Тошкент вилояти АЙББ**

Нурафшон ш. Бобур кучаси 119-уй
Тел/факс 170-75-12
ш/х: 4017 2286 0272 8270451931180 01
ИНН 200 826 857
Молия Вазирлиги ягона
ғазначилик ҳисоб варағи
х/р 2340 2000 3001 0000 1010
МФО 00014, ИНН 201 122 919

**Директор** ____________ **Ж.Бекмурзаев**

**"Бажарувчи"**

**"MODERN ROAD PROJECT"**
**масъулияти чекланган жамияти**

Тошкент вилояти, Оққўрғон ш.,
Р.Мўминова кўчаси, 2а-уй
тел: (95) 199 10 04, (90) 986-44-22
Х/р: 20 208 000 905 025 085 001
АТИБ "Ипотека банк"
Тошкент ш. амалиёт бўлими
МФО: 00419 СТИР: 302 525 436
ОКЭД 71.12.0
ҚҚС коди: 3270 7003 7768

**Директор** ____________ **М. Эргашев**

2022 йил «30» май даги
2022/69- сонли шартномага 1 - илова

**Шартнома баҳосини келишуви**

**Б А Ё Н Н О М А С И**

Биз, қуйида имзо чекувчилар **4Н712 д "А-373 автомобил йўлидан Тут кишлогига шахобча" автомобиль йўлининг 0-5 км қисмларини жорий таъмирлаш лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертиза хулосасини олиб бериш** 2022 йил "30" 05 даги 2022/69-сонли шартнома баҳоси **ҚҚС билан 28 500 000 (йигирма саккиз миллион беш юз минг)** сўмни ташкил қилади.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида ўзаро ҳисоб–китобларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

**Тошкент вилояти АЙББ**

Нурафшон ш. Бобур кучаси 119-уй
Тел/факс 170-75-12
ш/х: 401722860272 12704579311800 1
ИНН 200 826 857
Молия Вазирлиги ягона
ғазначилик ҳисоб варағи
х/р 2340 2000 3001 0000 1010
МФО 00014, ИНН 201 122 919

**Директор** ____________ **Ж.Бекмурзаев**

**"MODERN ROAD PROJECT"**
**масьулияти чекланган жамияти**

Тошкент вилояти, Оққўрғон ш.,
Р.Мўминова кўчаси, 2а-уй
тел: (95) 199 10 04, (90) 986-44-22
Х/р: 20 208 000 905 025 085 001
АТИБ "Ипотека банк"
Тошкент ш. амалиёт бўлими
МФО: 00419 СТИР: 302 525 436
ОКЭД 71.12.0
ҚҚС коди: 3270 7003 7768

**Директор** ____________ **М. Эргашев**

2022 йил "30" мая даги
2022/69 -сонли шартномага
2 -илова

**4Н712 д "А-373 автомобил йулидан Тут кишлогига шахобча" автомобиль йулининг 0-5 км қисмларини жорий таъмирлаш лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертиза хулосасини олиб бериш**

## БАЖАРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

сўм

| № | Бажариладиган ишларнинг номи | Қиймати | Бажариш | | Молиялаштириш муддати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | муддати | қиймати | 2022 йил |
| | Аванс микдори | | | | 8 550 000 |
| 1 | Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш | 28 500 000 | 10 | 28 500 000 | 28 500 000 |
| | **Жами:** | 28 500 000 | 10 | 28 500 000 | 28 500 000 |

Буюртмачи ____________ Бажарувчи ____________

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 85794 на приобретение 4Н712 д "А-373 автомобил йулидан Тут кишлогига шахобча" автомобиль йўлининг 0-5 км қисмларини жорий таъмирлаш лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертиза хулосасини олиб бериш**

Способ проведения электронный

Дата 26.05.2022

Время рассмотрения 25.05.2022 16:17

Конкурсная комиссия Тошкент вилояти Автомобил йуллари бош бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | BEKMURZAYEV DJAXANGIR KARIMOVICH | Бошлик | Тошкент вилояти автомобиль йуллари бош бошкармаси |
| **Член комиссии** | UKKIYEV XASAN RISQIMBOYEVICH | спец отдела мониторинга | ТОШ вил АЙББ |
| **Секретарь комиссии** | NAZAROV ANVAR XOLIQULOVICH | Начальник отдела ПТО | Тош вил АЙББ |
| **Член комиссии** | MAXMANOV ANVAR BERDIRAXMATOVICH | начальник финансового отдела | Тошкент вилояти автомобиль йуллари бош бошкармаси |
| **Член комиссии** | XAITOV JAMSHID ABDIMALIKOVICH | юрист | Тош вил АЙББ |
| **Член комиссии** | GANIYEV TAXIR TURGUNOVICH | Коррупцияга карши курашиш ички назорат буйича Бош мутахассис | Тошкент вилояти автомобиль йуллари бош бошкармаси |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 26.05.2022 года № лота 85794.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по разработке проектно-сметных работ** |
|---|---|
| Подробное описание | 4Н712 д "А-373 автомобил йулидан Тут кишлогига шахобча" автомобиль йўлининг 0-5 км қисмларини жорий таъмирлаш лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертиза хулосасини олиб бериш |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 31 656 390.00 |
| Стартовая сумма | 31 656 390.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 IV. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган моддий-техник воситалари рўйхати, 5-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Компьютер (ноутбук) техникалари 5 дона ва ундан кўп (ҳар бирига 2 балл). 2. Сметаларни ҳисоблаб чиқишда қўллаш учун дастурий комплекс(ABC4-uz) 1 та. 3. Принтер ва нусха кўпайтириш техникаси 2 та ва ундан кўп. 4. Ўлчов асбоблари (шагомер, метр ва ҳк..) 1 та

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| " MODERN ROAD PROJECT" mas`uliyati cheklangan jamiyati | 20 | 20 | 20 | Экспертная | | |
| GEO PROEKT MCHJ | 20 | 20 | 20 | Экспертная | | |
| **OOO** OPTIMAL ARCHITECT GROUP | 20 | 1-илова | 20 | Экспертная | | |

Критерий №2 V. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиладиган қурилиш (таъмирлаш) объектини кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумотнома, 6-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиладиган қурилиш (таъмирлаш) объектини кўрганлиги ва ўрганиб чиққанлиги.

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| " MODERN ROAD PROJECT" mas`uliyati cheklangan jamiyati | 2 | 2 | 2 | Экспертная | | |
| GEO PROEKT MCHJ | 2 | 2 | 0 | Экспертная | | |
| **OOO** OPTIMAL ARCHITECT GROUP | 2 | 5 илова | 1 | Экспертная | | |

Критерий №3 III. Энг яхши таклифларни танлашдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси 4-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Энг яхши таклифларни танлашдаги ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш: йилига буюртмачи бошланғич нархининг 50% сўмлик ва ундан кўп. (ҳар бир йил 5 балл билан баҳоланади). 2. Энг яхши таклифларни танлаш савдосига ўхшаш профил бўйича охирги йили ўз кучи билан бажариш.

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| " MODERN ROAD PROJECT" mas`uliyati cheklangan jamiyati | 25 | 25 | 25 | Экспертная | | |
| GEO PROEKT MCHJ | 25 | 25 | 25 | Экспертная | | |
| **OOO** OPTIMAL ARCHITECT GROUP | 25 | 4 илова | 10 | Экспертная | | |

Критерий №4 I. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар. 1-3-шакллар

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги. 2. 3 йил иш стажига эга 2 кишидан кам бўлмаган дипломга эга мухандис ҳамда архитектор ходимларни мавжудлиги. 3. Иш стажи 5 йилдан кам бўлмаган дипломли 1 киши лойиҳа бош мухандисини мавжудлиги. 4.Иш стажи 5 йилдан кам бўлмаган дипломли 1 киши лойиҳа бош архитекторини мавжудлиги. 5. Доимий равишда ишловчи 2 тадан кам бўлмаган малакали ишчи ходимлар (мутахассислар) мавжудлиги. 6. Ходимларнинг ўртача сони 7 кишидан кам бўлмаган.

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| " MODERN ROAD PROJECT" mas`uliyati cheklangan jamiyati | 19 | 19 | 19 | Экспертная | | |
| GEO PROEKT MCHJ | 19 | 19 | 10 | Экспертная | | |
| **ООО** OPTIMAL ARCHITECT GROUP | 19 | 3 илова | 19 | Экспертная | | |

Критерий №5 II. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг молиявий аҳволи. 2 ва 3-шакллар

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 50 млн. сўм ва ундан кўп. 2. Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги. 3. Охирги йилда 50 млн. сўм ва ундан юқори фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги. 4. Иш ҳақи фонди 50 млн. сўм ва ундан юқори. 5. Тўловга қодирлилик ёки қоплаш коэффициенти 1,25 ва ундан кўп. 6. Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти 0,2 ва ундан кўп. 7. Объектнинг буюртмачи белгилаган бошланғич нархининг 20% миқдоридаги ҳисоб рақамида маблағлар мавжудлиги.

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| " MODERN ROAD PROJECT" mas`uliyati cheklangan jamiyati | 34 | 34 | 34 | Экспертная | | |
| GEO PROEKT MCHJ | 34 | 34 | 20 | Экспертная | | |
| **ООО** OPTIMAL ARCHITECT GROUP | 34 | 2 илова | 34 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|
| " MODERN ROAD PROJECT" mas`uliyati cheklangan jamiyati | 31 656 390.00 | 28 500 000.00 | 23.05.2022 19:01:18 | 24.74 |
| GEO PROEKT MCHJ | 31 656 390.00 | 25 500 000.00 | 25.05.2022 00:54:28 | 27.65 |
| **ООО** OPTIMAL ARCHITECT GROUP | 31 656 390.00 | 23 500 000.00 | 25.05.2022 13:53:06 | 30.00 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| " MODERN ROAD PROJECT" mas`uliyati cheklangan jamiyati | 70 | 24.73684 | 94.73684 |
| GEO PROEKT MCHJ | 52.5 | 27.64706 | 80.14706 |
| **ООО** OPTIMAL ARCHITECT GROUP | 58.8 | 30 | 88.8 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 85794 от 26.05.2022 года на приобретение 4H712 д ”А-373 автомобил йулидан Тут кишлогига шахобча” автомобиль йўлининг 0-5 км қисмларини жорий таъмирлаш лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертиза хулосасини олиб бериш определила победителем:

"MODERN ROAD PROJECT" mas`uliyati cheklangan jamiyati
302525436

и резервный исполнитель: ООО OPTIMAL ARCHITECT GROUP (307759386)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Член комиссии** | XAITOV JAMSHID ABDIMALIKOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | GANIYEV TAXIR TURGUNOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | MAXMANOV ANVAR BERDIRAXMATOVICH | Согласен | |
| **Председатель комиссии** | BEKMURZAYEV DJAXANGIR KARIMOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | UKKIYEV XASAN RISQIMBOYEVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

# XALQ DEPUTATLARI OHANGARON TUMAN KENGASHINING
# QARORI

2022 - yil 7 - aprel VI-61-47-10-134-K/22 Ohangaron tuman hokimligi

**Hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishga qaratilgan jamoatchilik fikri asosida shakllangan va ovoz berish yakuniga ko'ra "g'olib" takliflarni tanlab olish hamda ularga mablag' yo'naltirish to'g'risida**

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 13-apreldagi PQ-5072-son va 2021-yil 22-sentyabrdagi PQ-5250-son qarorlari hamda O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senati Kengashining 2021-yil 22-apreldagi KQ-213-IV-son qarori ijrosini ta'minlash uchun hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishga qaratilgan jamoatchilik fikri asosida shakllangan va ovoz berish yakuniga ko'ra "g'olib" takliflarni tanlab olish hamda ularga mablag' yo'naltirish maqsadida, Xalq deputatlari Ohangaron tuman Kengashi sesseyasi,

**QAROR QILADI:**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 13-apreldagi "Byudjet jarayonida fuqarolarning faol ishtirokini ta'minlash bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-5072-sonli va O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senati Kengashining 2021-yil 22-apreldagi KQ-213-IV-son qarori rahbarlik va ijro uchun qabul qilinsin.

2. Komissiya a'zolari o'z xulosalariga asosan, Moliya Vazirligining 2021-yil 6-sentabrdagi "Tuman va shaharlarda fuqarolar tomonidan bildirilgan takliflar asosida g'oliblarni aniqlash yuzasidan" qo'llanma talablari asosida, **ENG KO'P** ovoz olgan, 4 ta taklif "g'olib" deb topilib **(ID: 1830400024, 1830400037, 1830400094, 1830400097)**, ushbu takliflarning aniqlangan qiymati **4 135 213 000 so'm** miqdorida tasdiqlangan manziliy ro'yhat ma'lumot uchun qabul qilinsin,

tadbirlarni bajarish maqsadida buyurtmachi tashkilotda mahsus hisob raqam ochilib talab etiladigan mablag' belgilangan tartibda ushbu hisob raqamlarga yo'naltirilishi belgilansin.

3. Tasdiqlangan manziliy ro'yxat asosida :

- tuman hokimligi (R.Shermanova), tuman hokimligi Moliya bo'limi (A.Merganov) va tuman G'aznachilik bo'linmasi (I.Eshboyev) ushbu qaror asosida tadbirlarni moliyalashtirilishni ta'minlash maqsadida, jamg'arma mablag'lari hisobidan tegishli buyurtmachi tashkilotda ochilgan maxsus hisob raqamiga mablag'lar yo'naltirilishini;

- buyurtmachi tashkilotlar ajratilgan mablag'larni loyiha-smeta xujjatlari asosida belgilangan tartibda maqsadli ishlatilishi va amalga oshirilgan ishlar bo'yicha Xalq deputatlari tuman Kengashi va tuman hokimligi huzuridagi ishchi guruhga ma'lumot kiritib borilishini ta'minlasin.

4. Tuman hokimining o'rinbosari A.Aliyev, buyurtmachi tashkilotlar bilan birgalikda, belgilangan tartibda qurilish va ta'mirlashga oid tender tanlovlarini tezkorlikda odilona o'tkazililishini tashkillashtirsin.

5. Markur qaror ijrosini nazorat qilish, Xalq deputatlari Ohangaron tuman Kengashining "Mahalliy byudjet, iqtisodiy islohotlarni amalga oshirish, investitsiyalar va tadbirkorlikni rivojlantirish masalalari" bo'yicha doimiy komissiyasi (S.Biydayev) hamda tuman hokimining birinchi o'rinbosari Sh.Azamatov zimmalariga yuklansin.

6. Ushbu qaror qabul qilingan kundan boshlab kuchga kiradi.

**Kengash raisi** **А. Абдуллаев**

Xalq deputatlari Ohangaron tuman Kengashining
2022 yil 7 apreldagi
VI-61-47-10-134-K/22-son qaroriga
1-ilova

## Ohangaron tumani bo'yicha 2022 yil birinchi yarmida jamoatchilik fikri asosida shakllangan tadbirlarni moliyalashtirish bo'yicha MANZILLI RO'YXAT

| № | G'olib taklif ma'lumotlari | | | Amalga oshirishning aniqlangan qiymati | Xaqiqatda ajratilgan* | Moliyalashtirish manbasi (FTJ, qo'shimcha manba, budjet parametri) | Buyurtmachi tashkilot |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Taklif ID raqami | Qisqacha mazmuni | To'plagan ovozlari soni | | | | |
| "Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi"da shakllangan mablag' | | | | | 4 135 213 000 | x | x |
| 1. | ID: 1830400024 | "Toshariq" MFY Istiqlol, Farovon va Navro'z ko'chalariga asfalt yotkizish jami uzunligi 1900 metr hamda eskirgan simyog'ochlarni beton ustunlarga almashtirish jami 100 dona | 4250 | 1 080 000 000 | 1 080 000 000 | Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi | Ohangaron tumani Obodonlashtirish boshqarmasi |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 2. | **ID: 1830400037** | Ohangaron tumaniga qarashli tibbiyot muassasalarini ta'mirlash va jihozlash | 3598 | 1 000 000 000 | 1 000 000 000 | Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi | Ohangaron tumani Tibbiyot birlashmasi |
| 3. | **ID: 1830400094** | Ohangaron tumani "Sartamg'ali" MFY xududidagi asosiy avtomobil yo'li hamda mahallaning ichki asosiy avtomobil yo'li chetidan "Salomatlik yo'lagi" ya'ni piyodalar yo'lagi (trotuar) qurilishi | 3557 | 1 000 000 000 | 1 000 000 000 | Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi | Ohangaron tumani Obodonlashtirish boshqarmasi |
| 4. | **ID: 1830400097** | Ohangaron tumani "O'zbekiston" MFYning qabristonidan to Tut MFYning maktabining oldigacha avtomobil yo'li juda ham ayanchli ahvolda. Bu yo'l orasi taxminan 6 km masofani tashkil qiladi. Ushbu yo'lning 2,5 km masofasini ta'mirlash zarur. | 3355 | 1 055 213 000 | 1 055 213 000 | Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi | Ohangaron tumani yo'llardan foydalanish unitar korxonasi |
| **G'olib takliflarga jami ajratilgan mablag'** | | | | | **4 135 213 000** | **x** | **x** |
| **Taqsimlanmagan mablag'** | | | | | **0** | **x** | **x** |

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Тошкент вилояти АЙБ**
**бошқарма Бошлиғи**
**_____________ Д.Бекмурзаев**
**“30” ___05___ 2022 йил**

**Тошкент вилояти Охангарон туман 4Н712д “А-373 автомобиль йўлидан Тут қишлоғига шахобча” автомобиль йўлининг 0-5 км қисмларини жорий таъмирлаш лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертиза хулосасини олиб бериш бўйича танлов комиссиясининг йиғилиш**

**__1__-сонли БАЁННОМАСИ**

*Нурафшон ш.* *30.05 2022 й.*

| | |
|---|---|
| **Йиғилиш раиси:** | **Д.Бекмурзаев** – Бошқарма бошлиғи |
| **Котиб:** | **А.Назаров** – автомобиль йўллардан фойдаланиш ва техник холатини тахлил қилиш бўлим бошлиғи |
| **Йиғилиш қатнашчилари:** | **Х.Уккиев** – Мониторинг бўлими бош мутахассиси; |
| | **Ж.Хаитов** – юрист; |
| | **А.Махманов** – молия бўлими бошлиғи; |
| | **Т.Ғаниев** – Коррупцияга қарши курашиш ички назорат бўйича Бош мутахассис; |

**КУН ТАРТИБИ**

**Тошкент вилояти Оҳангарон тумани 4Н712д “А-373 автомобиль йўлидан Тут қишлоғига шахобча” автомобиль йўлининг 0-5 км қисмларини жорий таъмирлаш лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертиза хулосасини олиб бериш бўйича “Лойихачи” ташкилотларнинг тижорат таклифларини ўрганиш тўғрисида.**

Йиғилишни Тошкент вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси бошлиғи Д.Бекмурзаев олиб борди. Бошқарма бошлиғи Д.Бекмурзаев сўзга чиқиб, Оҳангарон тумани 4Н712д “А-373 автомобиль йўлидан Тут қишлоғига шахобча” автомобиль йўлининг 0-5 км қисмларини таъмирлаш

ишларига лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертиза хулосасини олиб бериш тўғрисида йиғилиш қатнашчиларини таништириб ўтди. Шунга асосан, Оҳангарон тумани 4Н712д “А-373 автомобиль йўлидан Тут қишлоғига шахобча” автомобиль йўлининг 0-5 км қисмларини таъмирлаш ишларига лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертиза хулосасини олиб бериш мақсадида таклифини билдирди.

Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида, Тошкент вилояти Оҳангарон туман 4Н712д “А-373 автомобиль йўлидан Тут қишлоғига шахобча” автомобиль йўлининг 0-5 км қисмларини жорий таъмирлаш ишларига лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертиза хулосасини олиб бериш тўғрисида гапирди. Шу билан бирга жорий йилнинг 12 май куни “etender.uzex.uz” порталига эълон жойлаштирилганлиги тўғрисида таъкидлаб ўтди.

Унга кўра, Тошкент вилояти Оҳангарон туман 4Н712д “А-373 автомобиль йўлидан Тут қишлоғига шахобча” автомобиль йўлининг 0-5 км қисмларини жорий таъмирлаш ишларига лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертиза хулосасини олиб бериш бўйича 13.05.2022 йилдаги № 85794-сонли лот билан (etender.uzex.uz) эълон берилган. Куйида келтирилган лойиҳачилар “MODERN ROAD PROJECT” МЧЖ, “GEO PROEKT” МЧЖ, “OPTIMAL ARCHITECT GROUP” МЧЖ лойиха ташкилотлари томонидан тижорат таклифи такидлаб ўтди.

| **Хизмат номи** | **“MODERN ROAD PROJECT” МЧЖ** | **“GEO PROEKT” МЧЖ** | **“OPTIMAL ARCHITECT GROUP” МЧЖ** |
|---|---|---|---|
| Тошкент вилояти Оҳангарон туман 4Н712д “А-373 автомобиль йўлидан Тут қишлоғига шахобча” автомобиль йўлининг 0-5 км қисмларини жорий таъмирлаш | 28 500 000.0 | 25 500 000.0 | 23 500 000.0 |
| **Жами** | **28 500 000.0** | **25 500 000.0** | **23 500 000.0** |

Берилган тижорат таклифларидан келиб чиқиб, “etender.uzex.uz” портали орқали ҳамда 26.05.2022 йилдаги электрон ўтказиш усули баённомасида “MODERN ROAD PROJECT” МЧЖ томонидан берилган тижорат таклифини энг мақбул таклиф деб топди. Ғолиб деб топилган “MODERN ROAD PROJECT” МЧЖ бўйича 2 кун муддатда хеч қандай

эътирозлар келиб тушмаганлиги сабабли, ушбу лойиха ташкилоти билан Оҳангарон туман 4Н712д “А-373 автомобиль йўлидан Тут қишлоғига шахобча” автомобиль йўлининг 0-5 км қисмларини жорий таъмирлаш ишларига лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертиза хулосасини олиб бериш бўйича шартномани расмийлаштириш ҳамда тузилган шартномани Оҳангарон тумани Ғазначилик бўлинмасига рўйхатдан ўтказиш вазифаси Бошқарма бухгалтерияси (А.Махманов)га топширилсин.

**Комиссия раиси** Д.Бекмурзаев

Х.Уккиев

Ж.Хаитов

А.Махманов

Т.Ганиев

**Котиб** А.Назаров